

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНАЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 1-oktyabr • № 40 (4075)



## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар! Қадрли устозлар! Авваламбор, сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Бугун дунёдаги энг улуг ва шарафли касб эгаси бўлган азиз устозларга самимий тилакларимизни изҳор этар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўлининг беиннат чароғбонидир» деган ҳикматли сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Бундай юксак ва ҳаққоний баҳолар фарзандларимизни жисмоний ва маънавий етуқ, баркамол инсонлар этиб ўстириш, воёга етказишдек эзгу ва масъулиятли ишни ўз зиммасига олган юртимиздаги минг-минглаб жонқуяр устоз ва мураббийлар, ҳурматли домлаларимиз шаънига муносиб эканини барчамиз бугун чуқур англаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, кўз нури ва қалб қурини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратётган сиз азизларнинг кундалик олижаноб меҳнатингиз олдида таъзим этсак арзийди, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги байрамнинг «Баркамол авлод йили»да, унинг юксак мақсад ва вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг тарзда кенг нишонланаётгани бу айёмга алоҳида кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Азиз юртдошлар! Биз мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечиб, янги таълим йулларига, миллий қадрият ва анъаналаримизга, илгор жаҳон тажрибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратиб, бор қуч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этмоқдамиз.

Моҳияти ва аҳамиятига кўра чиндан ҳам ноёб Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш дастури бугунги кунда ҳаёт синовида ўтиб, ўз ҳосилини бераётгани, халқро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани барчамизга ҳақли равишда гуруҳ-фтиҳор бағишлайди.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида — тарихан қисқа бир даврда эришган, шу жумладан, таълим ва маърифат соҳасида қўлга киритган ютуқ ва марралари ҳақида келтирилган маълумотлар йилгиларда катта қизиқиш ва ҳавас уйғотди.

Энг муҳими, ана шу давр мобайнида чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширган улкан ишларимиз натижасида мамлакатимиз дунёдаги тараққий толган давлатлар қаторида 12 йиллик мажбурий умумий ва ўрта махсус таълим тизимига ўтгани Ўзбекистонимиз эришган ютуқларнинг яқол тасдиғи сифатида қабул қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда кейинги ўн-ўн икки йил мобайнида 1 минг 394 та касб-хунар коллежи, 142 та академик лицей, 9 минг 772 та мактаб, ўнлаб олий ўқув юртлири янгитдан бунёд этилгани, реконструкция қилинган ва капитал таъмирланганининг ўзи тарихимизда илгари ҳеч кўрилмаган улкан ҳодисадир.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида махсус дастурлар бўйича 1 минг 200 та болалар спорти объекти барпо этилгани, 278 та мусика ва санъат мактабини янгитдан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ушбу масканларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, ўқув жараёнига илгор педагогик ва акробот-коммуникация технологиялари, интернет тизимини кенг жорий қилиш, ўқув-машғулот ва лаборатория хоналарини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, малакали педагог ва мураббий кадрлар тайёрлаш учун қанча-қанча меҳнат, куч ва маблағ сарфлангани ҳақида, ўйлаётгани, ортиқча гапиришнинг ҳождати йўқ.

Яна бир муҳим томони — узоқни кўзлаб амалга ошираётган бундай ишларимиз нафақат шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини, балки бутун жамятиимиз, аввало, ёшларимизнинг дунёқарашини, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини ўзгартириб, мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришда мустаҳкам пойдевор бўлаётгани билан айниқса эътиборлидир.

Албатта, олдимизда турган эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида ярақатдан барча кенг имкониятлар эътироф этилаётган бир пайтда, биз энг аввало бунёд этилаётган шароитларга бами-соли жон ва куч бераётган, уларни ишга солаётган муаллим ва мураббийларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатининг ўрни ва аҳамиятини чуқур англаб, уларни муносиб қадрлаш ва баҳолаш барчамизнинг доимий эътиборимиз марказида туришини яхши тушунамиз.

Айни шу мақсадда педагог ҳодимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш бўйича янги тизим жорий этиш, ўқитувчилик, мураббийлик, маърифат соҳасида жонқуярлик ва фидойилик кўрсатётган инсонларни Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден-медаллари ва

мукофотлари билан тақдирлаш масалаларини ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблаймиз ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак, иншоолло.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, диктатингизни яна бир масалага жалб этишни истардим. Расмий маълумотларга кўра, сўнгги йилларда педагогика йўналиши бўйича олий ўқув юртлирига ҳужжат топшираётган абитуриентлар сонин энг юқори кўрсаткичи, яъни 22,6 фоизни ташкил этмоқда.

Агарки, бу ниманинг далолати, деб сўраса, мен, бу биринчи навбатда мамлакатимизда ўқитувчилик чиндан ҳам шарафли касбга айланаётгани, ёшларимиз ўз ўрнини, ўз бахтимни айнан шу касб орқали топаман, деб астойдил интилаётганининг далолатидир, деб айтган бўлардим.

Биз мамлакатимизни модернизация қилиш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ҳисобидан дунёдаги тараққий толган давлатлар қаторига киришни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйган эканмиз, таълим-тарбия соҳасидаги ишларни асло бўшаширтмасдан, янги ва юксак босқичга кўтаришни замонанинг ўзи талаб этмоқда.

Барчамизга аёнки, бугун ҳаёт шиддат билан ўзгариб, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун турли интилиш ва ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда.

Ана шундай мураккаб бир вазиятда миллий ўзлигини, қимнини, қандай буюк эзгиларнинг воясини эканини, Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли ёш авлодига бизга ёт ва беғона бўлган зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура олади.

Фарзандларимизни ана шундай эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашда меҳнатинг энг яқин маслақдошим, кўмакчи ва суянчим бўлган сиз, муҳтарам муаллим ва мураббийлар ўзингизнинг билим ва тажрибангизни, куч-ғайрат ва маҳоратингизни аямасиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларимизга эришиш йўлида ярақатдан барча кенг имкониятлар эътироф этилаётган бир пайтда, биз энг аввало бунёд этилаётган шароитларга бами-соли жон ва куч бераётган, уларни ишга солаётган муаллим ва мураббийларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатининг ўрни ва аҳамиятини чуқур англаб, уларни муносиб қадрлаш ва баҳолаш барчамизнинг доимий эътиборимиз марказида туришини яхши тушунамиз.

Қадрли дўстлар! Барчангизни кутлуг байрамингиз билан самимий табриклаб, сизларга янги-янги ютуқлар, сиҳат-саломатлик ва бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман. Умингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## Бугун Ўқитувчилар ва мураббийлар куни



Эркин ВОҲИДОВ

### УСТОЗ

Шеърый лаҳза

Соҳибқирон ётар устоз пойида,  
Жомийни пир тутган Навоий ҳазрат.  
Устоз буюк деган буюк қоида  
Бу қайтар дунёда азалий ҳикмат.

Бу олтин силсила давоми мангу,  
Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар.

Борми мураббийдан бахтлироқ инсон,  
Шогирдлари қилса юксакка парвоз.  
Бошимизга тож сиз, бор бўлинг омон,  
Табарруқлар ичра табарруқ устоз!

Афлотунга шогирд эди Арасту,  
Ул шогирдга шогирд бўлди Искандар.

### Муносабат

Юксак минбардан айтилган сўзининг масъулияти ҳам юксак. Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек нуфузли минбардан айтилган сўз. Сўз-ку сўз, бундай чоғларда ҳатто сукут моҳиятида ётган маънони англаш учун бутун дунё кўз-қулқ бўлиб туради.

Бу минбарга ўзининг олтин тоза эътиқод билан кўтарилди. Ташкилотнинг дунёда не-не арбоблар кўтарилмаган. Дунё тақдирига дахлдор масалалар ўртага ташланмаган. Сиёсий манфаатни кўзда тутувчи чакриқлар жарангламаган. Лекин ҳеч нарса пинҳон қолган эмас. Коса тағида-

ги нимкоса ҳам ошқор бўлган. Холис ният, беғараз манфаатларни кўзлаб айтилган гап эса ўзининг адолатли баҳосини олган. Ўзбекистон аввалбош-

ислоҳ қилишдек зарур тақлифларни ҳам ўртага ташлади. Марказий Осиёда ядро курулидан холи ҳудуд ташкил этиш тўғрисидаги муҳим ташаббус билан

ялпи мажлисида сўзлаган нутқида ҳам умумбашарий масалаларни кўтарди.

Бугун инсоният жадал сураётган билан ривожланаётган. Ҳаёт жуда тез ўзгараётган. Минтақавий муаммолар жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб бораётган, глобаллашув деб ном олган замонада яшаймиз. Шундай бир шароитда ҳар қайси давлатнинг раванқи ҳам, таназзули ҳам минтақа ва жаҳон миқёсида бир-бирига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Эзгулик ва ёвузлик эрталарга сийма қолаётган. Тинчлик ва барқарорликнинг қадри ошиб бораётган.

Президентимиз Ислам Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган бу йилги олий даражадаги

Давоми иккинчи саҳифада

## ДУНЁ МИНБАРИДАН ДУНЁГА ДАЪВАТ

дан бу юксак минбарга тоза эътиқод билан кўтарилди. Ташкилотнинг дунёда не-не арбоблар кўтарилмаган. Дунё тақдирига дахлдор масалалар ўртага ташланмаган. Сиёсий манфаатни кўзда тутувчи чакриқлар жарангламаган. Лекин ҳеч нарса пинҳон қолган эмас. Коса тағида-

чиқди ва кейинчалик бу ҳақда тегишли Резолюция қабул қилинди.

Президентимиз Ислам Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган бу йилги олий даражадаги

Давоми иккинчи саҳифада

## “ҚўШИҚҚА ХАЛҚ БАҲО БЕРАДИ”



1. Сиз ижод моҳиятини қандай тушунайсиз?
2. Бугунги ижодий жараёнга муносабатингиз?
3. Ижодкорнинг жамиятдаги ўрни нима билан белгиланади? Бу жараёнда ўзингиз ва тенгқурларингизнинг иштирокини қандай баҳолайсиз?

Хуршида Жўраева 1990 йили Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида таваллуд топган.

2003 йили “Томоша” гуруҳи билан ГФРнинг бир неча шаҳарларида мусика фестивалида қатнашган. 2005 йили Россиянинг Суздаль шаҳрида ўтган “Янги номлар” халқро мусика фестивалининг дипломи билан тақдирланган. “Нихол” мукофоти совриндори. Ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Анъанавий ижрочилик” бўлими учинчи босқич талабаси.

Ёш авлод маънавий оламини болалиқдан бошлаб эзгу гоғлар асосида шакллантириш, уларни Ватан ва халқ манфаати йўлида фидойилик, эзгулик ва инсонийлик фазилатлари руҳида камол топтиришда сўз санъати ва унинг таъсирчан воситалари театр-кино санъатининг ўрни ва аҳамияти беқийс. Шу боис истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижод эркинлиги, миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимизнинг шонли тарихини, унинг бугунги кенг қўламли бунёдкорлик фаолияти, сермазмун ҳаётини холис ва тўлақонли, таъсирчан ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур ижодий шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Хусусан, инсон қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган соҳалардан бири бўлиши санъатга катта эътибор берилмоқда. Кўплат театрларимиз қайта таъмирдан чиқарилиб замонавий қиёфа касб этди. Янги мухташам театр бинолари қад кўтарди. Мустақилликимизнинг 19 йиллиги арафасида Бухорода «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуаси таркибида 750 ўринли вилоят мусикали драма театри биносининг халқимизга тақдим этилиши давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан театр санъатига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» асарларида адабиёт ва санъат-

афсусли, камлигини тан олишимиз лозим. Бу фикрлар, шубҳасиз, кино санъатига ҳам тааллуқли.

Президентимиз мустақиллик байрами арафасида «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуасида қад ростлаган театр биноси ва у ерда санъаткорлар учун яратилган шароитлар билан танишар экан вилоят ижод ахли билан суҳбат чоғида адабий жамоатчилик эътиборини яна бир бор замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини яратиш билан

## САҲНАДА ЗАМОНАВИЙ ҚАҲРАМОН ОБРАЗИ

боғлиқ бу муҳим ва долзарб масала қаратди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Юртбошимизнинг ана шу учрашувда билдирган фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган «Саҳнада замонавий қаҳрамон образи» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Қуйида анжуман доирасида бўлиб ўтган давра суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Давоми бошинчи саҳифада

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

“Ўзбекистонда Германия ҳафталиги” доирасида пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Немисча сўзлашамиз” деб номланган кўрғазма бўлиб ўтди. Бу маданий-маърифий лойиҳа инсталляция ёрдамида хоржий тилнинг ривожланиш тарихи ва қонуниятларини тушунишга ёрдам беради.

Мазкур кўчма кўрғазма ҳозиргача Бони, Париж, Барселона, Мадрид, Лиссабон шаҳарларида намойиш этилган. Таъбир иштирокчиларини кўрғазмининг техник жиҳатдан мукамал жиҳозлангани ҳайратга солди.

Кўрғазма германиялик тажрибали педагоглар Олаф Меллер ва Сабина Шредер-цобель Гётенинг “Фауст” поэмаси мотивлари асосида яратган “Паула кафв остида” қўғирчоқ спектакли, немис мутахассисларининг “Катта қўғирчоқлар ёрдамида тил ўрганиш” номли маҳорат дарси ҳамда Олаф Меллер маърузаси билан яқунланди.



— Бугунги адабий жараёнда таржимачилик соҳасидаги жонланиш яққол кўзга ташланади. Бу жонланишнинг сабабини қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Таржимачилик адабиётимизда азалдан бўлган. Лекин XX аср ва бошланган янги асримизда бу жараён бир қадар кучайди. Бу қувонарли ҳодиса. Зотан, бирор-бир халқ адабиёти бошқа халқлар адабиётининг ижобий таъсирига жадал ривожлана олмайдди. Муайян бир халқ адабиётида яратилган етук бадий асар ўзида ўша халқнинг турмуш тарзини, тафаккури, ҳаётга муносабатини, маънавий дунёсини акс эттирибди. Ана шу жиҳатлар тўғрисида бир миллатда бошқа миллат маданияти, адабиёти билан танишиш эҳтиёжи туғилди. Мустақиллик йилларида бу эҳтиёж табиий равишда кучайди ва халқимизда дунё халқлари адабиётларининг дурдона асарларига қизиқиш орди. Бу маънавий эҳтиёж тақозоси сифатида «Жаҳон адабиёти» журнади дунёга келди.

— Дарвоқе, ушбу нашр қисқа вақт ичида адабий жамоатчиликнинг эътиборини қозонди, адабий жараёнда мустахкам ўрнига эга бўлди...

— Хабарингиз бор, журнал ойма-ой чоп этиб келинмоқда. Илк сонидан бундан ҳали бирор ой канда бўлгани йўқ. Шу ойда унинг 160-сонини ўқувчилар қўлига етиб боради. Журналнинг ҳозиргача чоп этилган сонларида 90 га яқин роман, 120 дан ортиқ қисса, юзлаб ҳикоялар, 3000 яқин дунё шоирлари ижодидан туркум шеърлар ёритилди. Шуниси эътиборлики, уларнинг барчаси илк бор таржима қилинди ва аксарияти аслиятдан ўғирилди. Бу улкан жараёнга моҳир таржимонларимиз жалб этилгани назарда тутилса, адабиётимиз ҳазинаси шунча асар билан бойланганга амин бўламиз. Бу улкан маънавий капитал, иқтисодчилар тили билан айтганда, маънавийликнинг раванқи учун киритилган «инвестиция»дир. Энг муҳими, таржима қилинган бу бадий асарлар китобхоналаримизда янги дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилди ва қилмоқда. Ёшларимизни ҳур тафаккурли, кенг тушунали ва замонага муносиб тарбиялашда бу асарлар муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

— Ўқувчилар сизни таниқли шоир ва таржимон сифатида яхши билишади. Таржимонлик фаолиятингиз тўғрисида Борис Пастернак номидаги ва «Алаш» номли халқаро мукофотларга сазовор бўлгансиз. Айтинг-чи, шеърли асарлар таржимони, албатта, шоир бўлиши керакми?

— Шеърни, албатта, шоир таржима қилгани маъқул. Чунки шеърдаги ҳислар туғенини, оҳанглар товланишини, жилваларини фақат шоирона туйғу эҳсоси ҳис эга олади ва назм тароватини шоирлик истеъдодига рўёбга чиқариши мумкин.

— Бадий асар таржимасида таржимон олдида қўйилган бирламчи талаблар қандай бўлиши керак, деб ҳисоблайсиз?

— Таржимон, биринчи навбатда, таржима учун танлаган асари ўзбек ўқувчисига янги фикр, туйғу, ҳис-ҳаяжон бахш эта оладими, бу асар миллат адабиётини, ўзбек ўқувчисининг маънавий дунёсини ўзининг бирон-бир қирраси билан

бойта оладими, деган саволларга аниқ-тиниқ ижобий жавоб толган бўлиши керак.

— Таржима жараёнида асарнинг, асосан, қайси жиҳатлари кўпроқ диққат-эътиборни тақозо этади?

— Узининг тажрибамдан келиб чиқадиган бўлсам таржимон, биринчи навбатда, шоирнинг-муаллифнинг ҳурмати жойига қўйиши керак. Масалан, мен бирон-бир шоир ижоди таржимасига киришсам, аввало, у шоир ўз халқи адабиётида, шеърини қандай ўринга эга ва ижодининг қайси бир қирралари билан назарга тушган, қайси жиҳатлари билан бизларга халқ вақилини мафтун қилиши мумкин, деган масалада чуқур мулоҳаза қилгандан сўнг, имкон даражасида, таржима қилинадиган асар муаллифининг ижодини, таржимоли ҳолини ўрганишга киришаман. Чунки чинакам шоир ижодида унинг ўз ҳаёти муҳрланган бўлади ва унинг таржимоли ҳолида яна шундай нуқталар бўладики, улар таржимонга шоир руҳий оламига кириш учун калит вазифасини ўтайди.

— Таржима қилиш учун асар танлаганингизда унинг қайси жиҳатларига эътибор берасиз: улардаги умуминсоний ғояларгами, бу асарнинг миллий минтақаларимизга мос келиши-келимаслигимизгами?

— Чинакам шоир курамамининг қайси бурчида яшамасин, унинг сатрларидаги дард-изтироб, гўзал туйғулар ўзга ўқувчилар қалбини ҳам ҳаяжонга солади. Мен кўпроқ ана шундай шоирларнинг дардли, ҳаяжонли шеърларини танлашга ҳаракат қиламан. Гап ана шу туйғуларни бошқа тилга охирини тўқмасдан кўчириб олишдир. Миллий менталитетимизга санъаткорона ёзилган, юксак савиядаги ҳар қандай таржима асари мос келади, деб ўйлайман. Эсласангиз, илк бор таржима қилингандаёқ Уитмен, Лорка ва ҳатто янги шоирлари ҳам семимли шоирларимизга айланган. Уртамеёна ижодкорларини ва ўртамеёна таржимани нафақат бизнинг, бошқа миллат китобхоналари ҳам қабул қилмайди.

— «Таржима санъати», «таржимонлик маҳорати» тушунчаларини қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Таржимон маҳорати жуда теран тушуна. Камина қирқ йилдан бери таржима билан шуғулланиб келаятган бўлсамда, биздан ўзимни ниҳоятда тажрибасиз эканлигимни пайқаб қоламан. Буни гўзал бир таржима асарини ўқиб қолганимда ҳис қиламан. Таржимонлик санъати деганда, прозани оладиган бўлсак, баъзи бир таржимонлар ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрни нуқта-вергуликка таржима қилишади. Лекин унда асар зарарати жамол очмайди. Лекин беназир устозимиз Озод Шарифидинов ва таржима соҳасининг пири Қодир Мирмуҳаммедов қаламига мансуб таржималарини ўқиганингизда, улар санъатидан шу қадар баҳра оласизки, ўқиган асарингиз бошқа тилда яратилганини унутиб қўясиз ва бу асар аслиятда ҳам шунчалик жанрланганиман, деган ўйга борасиз. Мен бир пайтлар Қодир акадан бу борада маҳорат сирлари ҳақида сўраганимда у дастлаб менга галати туолган бир усулни гапириб берганди. «Мен асарнинг бир абзацини обдон руҳимга сингдираман, кейин китобни ёпаман ва ўша абзацидан кўнглимга кўчган туйғуни ўзбекча оҳангдан қорғозга тушираман», дегандилар.

Бу ҳам бир усул, албатта, лекин буни ҳаммага ҳам тавсия қилиб бўлмайди. Чунки бундай маҳоратга узоқ йиллар давомида лугат титиб тажриба орттирган таржимонгина эришиши мумкин.

— Сиз, асосан, рус тилидан таржима қиласиз. Жаҳон шоирлари ижодидан қилган таржималарингиз «Сомон йўли чечаклари» номи билан алоҳида чоп этилди... Сўрамоқчи бўлганам: бу тўпламга шеърлари жамланган шоирлар турли тилларда ижод қилишган, сиз уларни фақат рус тилидан таржима қилган-

минлайди. — Аслиятдан сўз очдингиз. Дейлик, яхши таржима қилинган асар аслиятдан қанчалик фарқ қилиши мумкин?

— Биласиз, шеърнинг баҳоси олқиш ёки ҳайрат билан белгиланади. Таржимангизни ўқиб берганингизда ўқувчи юрагида ана шу олқиш ва ҳайратни туйсангиз, демек, шеърни аслият даражасида таржима қилган бўласиз. Бундай натижа таржимоннинг бадий маҳоратига боғлиқ. Масалан, асарини таржима қилмоқчи бўлган шоирингиз созда

рувчи ва уни фотонусха даражасида реал акс эттирувчи адабиётга нисбатан маълум маънода исён эди.

Модомики, модерн адабиёт услуби рамзларга асосланган экан, бу рамзлар аксарият ҳолларда фольклор, асотирларга дахлдор бўлади. Ана шу жиҳатига кўра, модерн ҳикоя ёки шеърни дафъатан тушуниш, англаб етиш мураккаб. Айниқса, бундай асарни бошқа тилга ўғириб, бошқа миллат ўқувчисига тушунарли қилиб бериш анча қийинчилик ва муаммолар туғдиради.

Асосан инсон руҳиятини, унинг ички кечинмаларини ёритишга жазм этган модерн оқими вақиллари услубан катта эркинликка эришдилар. Бу ҳолат адабий жараёнда бир қадар хаосни ҳам юзга келтирди, ушбу йўналишдаги шоир ва ёзувчиларнинг ижоди ўзлари фойдаланган рамзларга қўмилиб қолди ва бу ҳол айримларнинг кўзини қамаштирди ҳам. Шу боисдан, модерн адабиётдаги чинакам истеъдод эгаларини тақлидчилардан фарқлаш анча мушкулдир.

Бу оқимнинг ўзбек адабиётида кўри-нишлари, энди, тамомилан бошқа бир мавзу.

— Ўзбек таржимачилиги мактабининг утуклари ҳақида нима дейсиз?

— Бизнинг таржимачилигимиз камдан-кам халқлар адабиётида учрайдиган юксак мақомга эга. Мен ўзбек таржима мактаби Урта Осиёдаги энг катта таржима мактаби, деб биламан. Қўшни халқлар адабиётининг айрим таржималарга назар солсак, масалан, Навоий фазалларининг бармоқ усулида ўғирилганлиги, Дантенинг ўзига хос услуби сақланмаганига шохид бўламан.

Бизда Чўлпон, Усмон Носир, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор ўз таржима мактабларини яратганлар. Усмон Носирнинг «Демон» поэмаси таржимасини аслиятга сатра-сатр солиштириб чиққанман ва ҳайратланганман. Эркин Воҳидов таржимасидаги «Фауст», Абдулла Орипов таржимасидаги «Илоҳий комедия» шеърят таржимасида учрайдиган ноб ҳодисалардир. Шунингдек, Ш. Раҳмоннинг Лоркадан, Р.Фардининг Нозим Ҳикматдан, М.Алининг Р.Бёрндан қилган таржималари борасида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Ж.Қамолнинг Румий, Аттот, Шекспир ижодидан қилган таржималарини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. И. Гафуровнинг Достоевскийдан, Нитшедан, Жойлсдан, Ч.Айтматовдан қилган таржималари таҳсинга сазовор. Бу жараёнинг адабиётимиздаги бардавомлиги янада қувонарли. Ёш таржимонларнинг сифатининг келиб қўшилиётгани, айниқса, уларнинг аслият тилини яхши билишлари кишини мамнун этади. Алишер Отабевнинг инглиз тилидан, Рустам Жабборовнинг турк тилидан, Илхом Ҳафизовнинг рус тилидан қилган таржималари бадий пишиқ-пухталиги билан алоҳида ажралиб туради.

— Адабиётнинг салоҳиятини, аини пайтда, ундан дунё халқлари тилларига таржима қилинган асарлар ҳам юксалтиради. Бу жараён миллат адабиёти билан бирлигида унинг намоядаларини ҳам жаҳонга танитади. Агар асарлари бошқа тилларга таржима қилинганда Чингиз Айтматов шунчалик шухратга эришма-

ган бўларди, дейишади. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай?

— Чингиз Айтматов дастлабки асарларини киргиз тилида ёзган. Улар рус тилига таржима қилинган, унинг истеъдоди янада кенг қанот ёзди, кейинчалик тўғридан-тўғри рус тилида ижод қила бошлади. Бу ижод ундаги истеъдоднинг яна бир ноб қирраси эди. Албатта, бу йўлдан бормаганида адабиётнинг тақдирини қандай кечанди? Бундан келиб чиқадими, ёзувчининг вазифаси, аввало, юксак бадий асар яратмоқдир. Бу асарни жаҳонга танитиш эса, таржимонлар зиммасида бўлгани маъқул. Юртбошимиз «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» номли рисолида таъкидлаганларидек: «Биз маънавиятнинг юксалтириши, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобилигимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Кўскача айтганда, бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин — бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзгичмизни намойиш этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим».

Бу даъватдан жиддий ҳулоса чиқаришимиз лозим. Тўғри, бизда жаҳон адабиёти дурдоналарини халқимизга танитишда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин ўш дурдоналаримизни дунёга қачон, қай усулда таниташимиз? Яқинда Ёзувчилар уюшмасида уюрма раиси иштирокида қизгин давра суҳбати бўлиб ўтди. Унга таъкил таржимонлар, Жаҳон тиллари университети ва Шарқшунослик институти ректорлари, уларнинг муовинлари ҳам тақлиф этилди. Суҳбатда жуда ўринли тақлиф ва мулоҳазалар айтилди. Жумладан, маъқул таълим муассасаларда талабалар жаҳоннинг турли тилларини ўрганадилар, эндиликда улар орасидан истеъдодли ёшларни танаб, таржимонларнинг янги авлодини тарбиялаш лозимлиги таъкидланди. Ёш таржимонларнинг адабиётимиз намуналаридан қилган сара ижодини ёритиб борувчи, қилверса, адабиётимизни дунёга олиб чиқувчи хорижий тиллардаги нашрларни йўлга қўйиш, шунингдек, энг яхши асарларимизни турли тилларга таржима қилиб, тайёр китоб ҳолида дунёга хавола этувчи алоҳида нашриёт ташкил этишининг мавриди келди, деган тақлифлар ҳам айтилди. Булар жуда ўринли тақлифлар. Чунки асарларимиз орқали адабий қаҳрамонларимиз дунёга чиқар экан, бу халқимизнинг дунёга чиққани демекдир.

— Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур.

ЎКТАМОЙ ЁЗИБ ОЛДИ

# ТАРЖИМА — ДУНЁГА ЙЎЛ

Шоир ва таржимон, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири ўринбосари Мирпўлат МИРЗО билан мулоқот



сиз. Айтинг-чи, аслиятдан бевосита эмас, бевосита, иккинчи бир тилдан ўғирилганда асарнинг шираси кетиб қолмайдими?

— Мен фақат рус тилидан эмас, қозқ тилидан ҳам таржималар қилганман. Эллик нафар қозқ шоири ижоди намуналаридан тузилган антология менинг таржимамда «Сайра, дўмбирам» номи билан нашр қилинди. Лекин саволингиз жуда ўринли. Бизда кўпроқ Фарб адабиёти намуналари рус тилидан таржима қилиб келинади. Бу жараёнда, албатта, шеърнинг товланишлари, оҳанги ўзгариши мумкин. Мен, аввало, таржима учун танлаган шеърларим рус тилига қанчалик маҳорат билан таржима қилинганга, уларни қимлар ўғирганига, албатта, эътибор бераман ва ўша шоирлар ижодига таалуқли тадиқотларни, мақолаларни топиб ўқийман. Рухимда аслият муаллифи — шоир руҳига мос кайфият пайдо бўлган, таржимога киришаман. Ҳар бир шоирнинг ўз овозини, оҳангини сақлаб қолиш бу борада, айниқса, муҳимдир.

Аслият юрагингизга солган илҳом таржимангизнинг ифорию бўёғини таъ-

чалган қўйни сиз ҳам чала оласизми — бунга ичингизда жазм туймасангиз, сизни беҳуда тингирлатишнинг ҳолати йўқ. Уни чала олиш учун ўзингизда шайхшоат топширингиз, аввало, юрагингиздан тўқинлинингиз керак. Мен ўзимни тўқинлининг шоирларининг таржима қилганига интиламан.

— Қилган таржималарингизнинг барчасини қўлингиз тўладими?

— Илгари қилган таржималаримни билмадим-ку, лекин кейинги таржималарим устида қаттиқ тер тўкканман. Албатта, қўймига етмаган ишларим кўп. Лекин уларни баҳолаш — адабиётчиларнинг, тадиқотчиларнинг иши.

— Замонавий жаҳон адабиётини, хусусан, шеърининг модерни, пост-модерн йўналишидаги шеърлардан айрича тасаввур этиб бўлмайди. Таржима асарларингиз орасида бундай намуналар ҳам талайгина. Сизнинг бу йўналишга муносабатингиз қандай?

— Аввало «модерн» сўзининг моҳиятини аниқлаб олайлик. Бу «янги», «замонавий», деган маънони билдиради. Бу оқим XX аср бошларида Фарбда шаклланган анъанавий адабиёт ўрнида пайдо бўлди. Анъанавий адабиёт, хусусан, романчиликнинг бош мавзуси — бир маромда ҳаёт кечираётган ва тамаддун истикболдан руҳланган буржуазия ҳаёти, унинг қаҳрамонлари эса ана шу синф вақиллари эди. Айни пайтда айрим адаблар мана шу бир маромдаги ҳаёт тарзида инқироз аломатларини тўя бошлади ва бу ҳолатни акс эттириш учун янги, замонавий адабиёт, зеро, янги услублар зарур, деган узил-кебил қарорга келдилар ҳамда шундай адабиётни яратишга бел боғладилар. Бу изланиш асосан рамзлар, тимсолларга асосланган бўлиб, инсоннинг ички дунёсини, унинг ҳаётга, дунёга индивидуал муносабатини ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Соддароқ қилиб айтган бўлсам, бу йўналиш ҳаётни кўпроқ неқбин тарзда, эзгу насиҳатлар руҳи билан сугорилган ҳолда баён қилиб бе-

«Шеърятнинг асосий моҳияти ўз муҳаббатининг одамларга бахшида этиш», деб ёзган эди атоқли шоир Расул Ҳамза-тов. Бу ҳаққоний таърифни мен истеъдодли шоир Комил Синдаровнинг ўтган йили «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган «Тошкент асим дерлар» ва шу йили нашрдан чиққан «Аёл борки...» номли тўпламларини ўқиб чиқсак, яна бир бор ёдга олдим. Дарҳақиқат, замон ва инсон, умр ва хотира, бурч ва садоқат сингари тушунчалар таъсирчан мисраларда тараннум этилган ушбу китоблардаги шеърлар шеърят муҳаббатига бой маънавий озиқ бериши шубҳасиз.

Тупроғининг суйиб суртаман юзга, Тароватинг чўгдай қўринар кўзга, Мехр қўлмасман,

йўқ сендан ўзга, Бу оламда битта донамсан, Ватан, Муқаддас, мўътабар онамсан, Ватан.

«Ватан мадҳи» шеърдан олинган маъқул банд ҳар иккала тўпламнинг мазмун-мунодарижасини аниқ ифодалайди, десак янгилимаймиз. Зотан, Ватанини шарафлаш, инсонни эзгулик, меҳр-муҳаббат, қадриқиммат, садоқат, ваъдага вафо, тўғрилиқ, олижаноблик сингари юксак инсоний фазилатларга даъват этиш ҳамиша шеърятнинг етакчи мавзуларидан бўлиб келган. Шоир «авлиёлар ўсган қутлуғ макон», «илму урфон, деган тахта ҳокон», «ашъор мулкин ичра шоҳи жаҳон» бўлган она-юрт манзараларини, унинг ўтмишидаги оғир дамларини таъсирчан талқин этади. «Барақа балқиган боғлар», «Тароват таралган тоғлар» моҳир расом мўйқаламидан чиққан-дек тасаввур ўйғотади:

Дўсти-ёрға ҳар дам очиқ қучоғинг, Қалб қўриқиб қайноқ, Мехр ўчоғинг. Омон-омонликда ўтсин ҳар чоғинг, Аждодлар асраган шониамсан, Ватан, Томиримда оққан қонимсан, Ватан.

Комил Синдаров миллий қадриятларни улуғларкан жин-

## ЖОЗИБ ТАЛҚИНЛАР

деккина рағбатдан ҳаволаниб, босар-тусарини билмай қолган баъзи димоғдорларга қарата дейди:

Ишонма, қўл кири — дунё-ю молга, Зумда учиб кетар буринг шамолга. Эришмоқчи бўлсанг фазлу қамолга, Камтарин бўл, камтарин бўл, камтарин.

Шоир шеърларида шу тарихи инсоний олижанобликни, яхшиликни улуғлайди. Инсон кўнглини олиш, ҳар бир одамга яхшилик қилиш эса, ҳамма-нинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун эзгу-туйғули қалб соҳиб бўлиш керак. Зотан, ўз қадрини билган инсонгина ўзгалар қадрига етолади. Одамларга меҳрибон, меҳнат-каш инсонлар ҳамиша эл ардоғидир. Ўзбек достончилик мактаби ривожига улкан ҳисса

## Китобингизни ўқидим

кўшган Эргаш Жуманбулбул ўғли авлодидан бўлган Комил Синдаров халқ оғзаки ижодидан руҳланиб, мазкур ижод намуналарига хос донолик, самимийлик, раволик усулларидан унумли фойдаланиб, қалбидидаги ҳис-ҳаяжонни, шодлиғи қувончини, ташвишу сурурли кайфияти, ҳис-ҳаяжонни аниқ сезилиб туради: Асрларинг орда қолдириб, Даҳшатларинг дамин сўлдириб, Қучоғини нурга тўлдириб, Ҳўп ажойиб замон келди-я.

«Чирой очган кўча, гузарлар», «Кут-барақа сочган бозорлар» таъсирли сингдирилган юртпарварлик, истиклол нашдасидан масрурлик шоирнинг «Қимирлаган қир ошар», «Турнага тўлса осмон», «Мен ненидир қутиб яшайман», «Асло ширин сўзинг аяма», «Уғлон», «Телба дилим», «Кўргим келди», «Муҳаббат», «Бу дунё» сарлавлари шеърларида ҳам таъсирчан талқинини топан.

Комил Синдаров шеърларида қайси мавзунга қаламга олмасин талқинда ўзига хос йўл тутишга уринади. Бу ҳоҳ муҳим ижтимоий муаммо бўлсин, ҳоҳ муҳаббат, вафо, табиат гўзаллиги мавзуси бўлсин — барчасига ўз нуқтаи-назаридан туриб қарашга ва ўз қарашини бадий бўёқларда ифодалашга ҳаракат қилади. Кейинги китобида ўрин олган «Биродар», «Гар оёғинг ердан узилса», «Ниҳол экиб қўй» сингари шеърларини ўқиб, муаллифнинг тинимсиз изланишга ишонч ҳосил қиласиз.

Шоирнинг ҳар икки китобини ўқиб, юртимизнинг бетақор манзаралари, Ватанимиз бойлиги ва гўзаллиги, шаҳар ва қишлоқларимизнинг мустақиллигинингиздан кейин чирой онеътанлиги, халқимизнинг қўлга киритган юлук ва қаҳрамонликлари қаламга олинганлигига гувоҳ бўласиз.

Иброҳим Дониш

## «ЖАҲОН АДАБИЁТИ»

2010 йил, август сонини Журналнинг илк саҳифаларида машҳур италян ёзувчиси Дино Буццатининг бир неча ҳикояси берилган. Уларни рус тилидан Раҳимжон ва Фаррух Отаули таржима қилишган.

Бошлангич журналнинг ўтган ойларидаги сонларида эълон этилган П.Козьловнинг «Иблис ва Прим хоним» ва Э.Бульвер-Литтоннинг «Помпеянинг сўнгги кунлари» романларининг давомини ҳам ушбу сонда ўқийсиз.

Абулмаоний — «Маънолар отаси», номи билан машҳур бўлган улуғ шоир ва мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил фороси турли даврларда атоқли адиблар, олим ва шоирлар томонидан она тилимизга таржима қилинган. «Шеърят минтақалари» руқнида сиз Бедилнинг бой меросидан амалга оширилган янги таржималар билан танишасиз. Рубоиларини форс тилидан Эргаш Очил ўзбекчалаштирган. Панжоблик машҳур шоира Амрита Притам ҳаётининг сўнгги

йилларида ёзган бир туркум шеърли шоира Ўктамой таржимасида тақдим этилган.

Атоқли таржимон Қодир Мирмуҳаммедов таржимасида берилган рус драматурги Самуил Алёшининг «Йўқ, ўлмайман мен буткул...» номли икки пардали пиесасида машҳур адиб Михаил Булгаков ҳаётида кечган фожиали воқеалар таъсирланган. «Бу пиесани ёзишдан ўз олдимга қўйган асосий мақсадим: санъаткор Булгаков билан мустабид ҳужумдор — Сталиннинг бир-бирларини кесиб ўтган тақдир чиқиқларини ёритиб беришдан иборат, холос», деб ёзади муаллиф пиесасига ёзган сўзбошида.

«Нобел маърузалари» руқнида атоқли япон адиби Ясунари Кавабатанинг маъруза матни билан танишасиз. Уни Қудрат Дўстмуҳаммад таржима қилган. Мирпўлат Мирзо таржимасидаги Евгений Рейнинг «Синмаган қадаҳ сири» мақоласида ўтган асрининг 60-йил-

ларидаги адабий ҳаётнинг айрим лавҳалари ёрқин акс этган.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонидан Нодир Норматовнинг таъсирли санъат мавзусига оид суҳбати, Исмаилов Муҳаммаднинг Шарқ муносиқ санъатига бағишланган «Муסיқа тарихи» асари, С.Тулағанованинг Р.Тагор ижоди ҳақидаги «Шарқнинг олтин кўприги» мақолаларини ўқийсиз.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Сози кўнглига муносиб» мақоласида таниқли шоир Уткир Раҳматнинг «Юракдаги қуш» ва «Хайл ифори» шеърли тўпламлари ҳақида сўз юритилган. А.Расулов ва А.Тожиёвнинг «Доимий ҳамроҳ», Ш.Норматовнинг «Акбаршоҳ» америкалик тадиқотчи ниҳониди» мақолаларида «Адабиётшунослик лугати» китоби ва америкалик олим С.М.Беркнинг «Экбаршоҳ — бобурийларнинг энг буюғи» китобларига муносабат билдирилган.

Абдуфуро Рабиевнинг «Сўнгги аргумок» қиссаси саргузашт ишқибозларига мўлжалланган.



Устоз ва шогирдлар.

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

# ШИВИРЛАДИ ҚУЛОҒИМГА ГУЛ



## КУЛГУ

Шивирлади қулоғимга гул,  
Шивирлади қалбимда дарахт:  
“Излагандинг уни неча йил,  
Мана ўша сен кутган чин бахт”.  
Шивирлади мен ҳам:  
“Бахт,  
бахт,  
бахт!”

Япроқларнинг шивир — фарах,  
Банди — олтин, овози — кумуш.  
Шовуллайди қалбимда дарахт,  
Ёниб куйлар унда ёлғиз қуш,  
Сайрашдан мен сархуш,  
сархуш.

Гулнинг боли томар лабимдан,  
Гушдан ичра мен Галиқадҳах.  
Қувонч тошиб чиқар қалбимдан,  
Мен қизилгул каби хушчақчақ,  
Биринчи бор юракдан кудлим,  
кудлим.

## ЁШЛИК

Қушнинг дебчаси мусавфо тондир,  
Умринг беғубор замон ёшлик.  
Қушнинг дебчаси мусавфо тондир,  
Умринг беғубор замон ёшлик.

Дарёларнинг боши сарбалад тоғдир,  
Кўнглининг чарх урар осмони ёшлик.

Гулнинг гўзаллиги гунча ифори,  
Йилнинг кўркамлиги кўклам, баҳори,  
Қушнинг гўзаллиги кумуши, қори,  
Умринг энг гўзал даврони ёшлик.

Баҳор ўтиб кетар, яна келади,  
Гуллар очилади, яна сўлади,  
Дарё гоҳ пасаяр, гоҳ тўлади,  
Умринг ҳеч қайтмас карвони ёшлик.

Болаликнинг завқи ўйин, эртақлар,  
Камолот тўқислик сари етаклар,  
Йигитлар — парвона, қизлар — малаклар,  
Муҳаббатнинг шоҳу сўлтонга ёшлик.

Дунёда ҳар ненинг мезони бордир,  
Ҳар ненинг қиммати, арзони бордир,  
Мунавварнинг энди армони бордир,  
Олтиндан ортиқдир ҳар уни ёшлик.

## МАТОНАТ МЕВАСИ

Эгатларга эгилган रिқ-рўзимиз,  
Хирмонларга уйилган нон-гўзимиз,  
Чаноқларда кулган оппоқ юзимиз,  
Кенг оламга боққан чакпоқ кўзимиз,  
Сабот, бардош шевасисан, жон пахта,  
Матонатнинг мевасисан, жон пахта!

Миллатимнинг ҳилпираган тугисан,  
Ўчоғимнинг милдираган чўғисан,  
Қадриг фақат қимматинг-ла ўлчанмас,  
Ўзбегимнинг шони, бору-йўғисан,  
Ўн икки ой манглайдаги маржоним,  
Меҳнат ила юксалган тоғ-хирмоним!

Болажон бу халқ бағрида арзанда,  
Гўё сен ҳам унинг битта фарзанди.  
Гулак ўстиргандек севиб ўстирар,  
Ўзингурсан юрагининг пайванди.  
Хазинаман, жавоҳир оқ дурдона,  
Қудратимсан, халқим сен-ла мардона.

Сендек неъмат насиб қилибди бизга,  
Яратганга шукр бундай रिқ-рўзга.  
Тузу нондек табарруқ хазинасан,  
Тавоф айлаб арзир сурсан юз-кўзга.  
Мунавварнинг кўнгли сендек оқ, пахта,  
Сендек маҳзан олам аро тоқ, пахта!

Беруний тумани 61-мактаб ўқитувчиси,  
Қорақалпоғистон халқ таълими алоқчиси

Ҳалим акага

Биз ўтирган поезд ўкириб, пишқириб зим-зиё зулмат кўйига шиддат билан сингиб борарди. Чароғон, гавжум шаҳару қишлоқлар ҳаш-паш дегунча ортда қолди. Хурпайган, ўппайган қир-тепаликлардан иборат кимсасиз яйдоқ дала-дашт бошланди. Темир гилдирақларнинг “тарақа-туруқ” товуши гоҳ кучайиб, гоҳ сусаяр, вагонлар бамисли бешикдек тебрана эди.

Купеда бор-йўғи икки кишимиз. Ҳамроҳим — ёш бўлишига қарамай, погониди кўш йирик юлдуз ярқираб турган зобит йигит ўта камгап, жиддий ва сипо экан. Енгил саломалиқдан сўнг, об-ҳаво, йўл азоби ҳақида уч-тўрт оғиз гаплашганимизни ҳисобламаганда, у купе деразасидан ташқарига хаёлчан термулган кўйи жим-жит келарди. Мен эса олди-қочдиларга лиммо-лим газетига термулганман.

Бир пайт зобит йигит илкис ўрнидан кўзгалди. Купе деразасига юз тирагудек даражада яқин бориб, қоронғулик қаърига жон-жаҳди билан тикилди. Шу алфозда бир лаҳза қотиб қолди. Мен ҳам қизиқсиниб купе деразаси ортидаги зулмат томон алангладим. Бироқ арзиғулик ҳеч нарса кўролмадим. Илғганим шу бўлдики, олис-олисларда, балки чўпон ўтовидадир, митти бир шуъла пирпираб турарди.

“Ҳамроҳим тугилиб-ўсган ерлар бўлса керак” — хаёлан шу хулосага келдим. Бироздан сўнг зобит йигит ўрнига қайтиб ўтирди. Юз-кўзларида андак ҳаяжон, андак қувонч шарпалари кезиб юрарди. — Ҳайрон бўлиб қолдингиз-а, — дея жилмайди у, мен томонга айбдорона кўз ташлаб қўяркан. — Ҳа. Ҳарбийларни қизиқтирадиган нима бор экан деб мен ҳам алангладим. Лекин милтиллаб турган чироқдан бошқа нарсани кўрмадим.

— Мен милтиллаб турган ана ўша чироқни томоша қилдим. — Йўғ-е?! — дедим чинакамига ажабланиб, — Унинг нимасини томоша қиласиз? Зобит қулди. — Қоп-қора кечада милтираб турган шундай чироққа кўзим тушса, беихтиёр ҳаяжонланиб кетаман. Худди сеҳрлангандай қараб қоламан. Чунки у ҳаммиса ҳаётимда юз берган бир ғалати воқеани эсимга солади. — Қанақа воқеа экан, билсак бўладими ё ҳарбий сирми? — дедим ҳазил аралаш. — Бемалол. Истасангиз, айтиб бераман. Зобит йигит жавобимни ҳам кутмасдан худди ўз-ўзига сўзлагандай гап бошлади.

Рост, бу воқеанинг ҳарбийлик билан боғлиқ жиҳатлари ҳам бор. Шу сабаб ортиқча тафсилотларга тўхталмайман. Буни тўғри тушунасан, деган умиддаман.

Хуллас, тахсилни битириб махсус қисмда ҳарбий хизматни бошлаган кезларим эди. Бир куни эрта тонг мени кўмондонликка чақириб қолдишди. Вазият жуда жиддий экан. Мамлакатимизнинг банданд тоғлар билан ўралган шарқий чегара худудларида қуролланган ёт унсуллар пайдо бўлишибди. Махсус отрядга бос бўлиб, қуролли тўдани топши, хавфни бартараф қилиш вазифаси менга юклатилди. Биз зудлик билан белгиланган худудга етиб бордик.

Чор-атроф банданд тоғлар, юксак чўққилар, тубсиз даралар билан ўралган. Тоғ ён бағирлар куюк, ям-яшил арчазор. Бугун борликда софлик, сукунат ҳукмрон. Қорли қоялар томондан муздек шамол эсади. Саратоннинг авж палласи бўлишига қарамай, бу ерларда, айниқса кечки пайтларда чинакамига совқотардик ҳам.

Отряд ўн беш кишидан иборат эди. Ҳаммалари ҳам машқ-машғулларда обдон чиниққан, кўзларида ўт чақнаб турган ёш аскарлар. Тўғриси, чинакам жанговар топшириқ билан биринчи марта чиқишим бўлгани учунми, ҳарнечук, қаттиқ ҳаяжонланардим. Яна ҳам очиқроқ айтсам, юрагимда анча-мунча кўркув, хавотир ўрмалаб юрарди. Йўқ, душмандан, қонли жангдан чўчиганимдан эмас, бошқа бир шубҳа-ғумонлардан кўнглим хира эди. Биринчидан, тажрибасизлик, гўрлик қилиб хатога йўл қўйишдан, аскарларни беҳуда фалокатга йўлиқтиришдан қўрқардим. Иккинчидан... иккинчидан, ҳали Ватан учун ёлчилик хизмат қилмай туриб, аллақандай бир ховуч аламзаданинг ўқиға дучор бўлиши сира истамаётгандим. Назаримда, шундай хавотирли хаёллар бошқа аскарларнинг ҳам кўнглидан кечмоқда эди. Лекин улар чинакам эр йигитларга, ўғлонларга хос матонат, ирода билан бундай ҳис-туйғуларини билдиришмас, ўзларини тетик ва нописанд туттирарди.

Белгиланган худуднинг ярмини назоратдан ўтказиб бўлар-бўлмасимиздан кеч тушди. Тоғу тош ҳаш-паш дегунча қоп-қора чодирга бурканди. Отрядга дам олиш ва тамаддига рўхсат бердим. Бунинг учун, албатта, қулайроқ жойга ўрнашиб олдик. Шу пайт биздан анча наридаги қоя ортини текширувдан ўтказишга юборилган икки аскар қайтиб келди.

— Дара томонда бир чироқ милтиллаб турганини кўрдик, — дея ахборот берди улардан бири ҳаяжонланиб. Мен дарҳол улар билан қоя ортига бордим.

Чиндан ҳам, анча олисда тор бир ялангликда қандайдир шуъла элас-элас кўзга ташланарди. У ерда қандайдир тирик жон борлиги шакшубҳасиз.

Биз шоша-пиша қўналгага қайтдик. Сўнг отрядга зарур топшириқлар бериб, ўрнимга ёш бир зобитни бошлиқ этиб тайинлагач, ёнимга ўша икки аскарни олиб шуъла милтиллаган ёққа жўнадим.

Чор-атроф зим-зиё. Қоронғуликда тоғу тош янада ваҳимали ва сирли туюлади. Хурпайган арчалар, гўдайган харсанглар юракда алланечук саросима уйғотади. Бошимиз узра сачраб кетган учқунлардек юлдузлар ловуллаб турибди. Гўё кўл узатсанг етадигандек туюлади. Ёнимдаги аскарлардан бири жуда ҳазилкаш экан. Қулайроқ бир жойда нафас ростлаш учун чўнқарканмиз, у кўкка гўё интиқлик билан аланглаб шивирлади.


— Эҳ, бу юлдузлар қачон погонимизга қўнаркан-а.

Енгил қулишдик. Бироздан сўнг яна олға юрдик. Мен ўша милтиллаган шуълани бир зум ҳам кўздан қочирмай одимлардим. Назаримда, у икки-уч марта кўринмай қолгандай бўлди. Ё ўчиб қолди, ё кимдир уни гавдаси билан тўсди. Бу ҳол ўша жойда сўзсиз кимдир борлигини яна ҳам тасдиқларди.

Шу алфозда бир соатдан мўлроқ йўл босганимиздан сўнг ўша шуълага анча яқинлашдик. Мен махсус мосламали дурбинимдан кузатдим. Чоғроқ ялангликда пахтақам бир кулба мунғайбигина турибди. Атроф жим-жит. Тирик жон кўринмади. Милтиллаётган шуъла кулбанинг кичкинагина деразасидан тараларди. Демак, ичкарида кимдир бор.

— Менинг қарашимга ҳам рухсат этинг, — деб шивирлади ўша ҳазилкаш аскар.

— Адаммасам, бу ё чўпон отари ё ... ё .... овчилар кулбаси, — деб минғиради у дур-



Кўланка кўлларини банданд кўтарган куйи тахтадек қотиб қолди.

— Менга ўғирин! — дея галдаги буйруқни бердим.

Кўланка қўрқа-писа бутун гавдаси билан менга юзланди.

— Кимсан?!

— Мен... Турдиев Анвар... — деди кўланка гудраниб. Унинг товушида кўркувдан кўра ажабланиш, ҳайратланиш усти-ворроқ эди. Шу сабабми мен ҳам анча-мунча шаштимдан тушиб қолдим.

— Сендан бошқа бу ерда яна ким бор?

— Тоғбеги бор эди. У эрталаб қишлоққа тушиб кетганди. Хали қайтмади.

— Ичкарида ҳеч ким йўқми?

— Ҳеч ким йўқ. Марҳамат, бемалол кира-



## ЛУҚМОН БҮРИХОН

# ТУН ҚАЪРИДАГИ ШУЪЛА

биндан анча пайт тикилган.

Ҳа, аскарнинг гапларида жон бор. Бу яқин-атрофда бирорта ҳам қишлоқ, овул учрамайди, демак, кўриб турганимиз кимлардир қурган вақтинчалик бошпана бўлса, ажабмас. Мен аскарларни бир-биридан анча олисда бўлган икки нуктага жойлаштирдим. Зарур топшириқларни бердим. Сўнгра ўзим эхтиёткорлик билан кулба томон юрдим. Назаримда биз қидириб юрган тўда айнан шу ерда жойлашган эди. Негадир кўнглимдан шундай шубҳалар кечарди. Лекин айни пайтда жанг бошлаш асло режамда йўқ эди. Мақсад душман марраларини ўрганиб, уларнинг сон-саногини аниқлаб ортага қайтиш эди.

Кулбанинг нариги тарафи бўйлаб кичикроқ сой оқиб ўтаркан. Сувнинг тошдан-тошга урилиб, жилдираб оқибди бемалол қўлоққа чалина бошлади. Лекин бошқа ҳеч қандай шубҳали асарни илғиб олмадим. Деразадан таралиб турган шуъла энди бемалол кўрина бошлади.

Мен қуролимни маҳкам сиққан кўйи кулбага яқин бордим. Ҳамма ёқни синчиқлаб кузатдим. Бугун борлик жим-жит, соф, салқин ҳавога бурканиб ётибди. Мен пусиб бориб деразадан ичкарига мўраладим. Ана! Соч-соқоли ўсиқ қандайдир нуҳча фонус-чирок ёруғида гимирлаб аллақандай тугучани титқилар, ғалати бир жисмларни шуълага тугиб кўздан кечирибди.

“Аниқ, тўдага йўлиқдим, — лип этиб хаёлимдан ўтди, — булар чегарадан қора дори олиб ўтувчи унсуллар!”

Кулбанинг гадир-будир деворига қапишган кўйи турарканман, юрагим гурс-гурс урарди. Нима қилмоқ керак? Ортага қайтиб отрядни бошлаб келсаммикан?

Шундай хаёллар билан турган пайтим кулба эшиги гийқилди очилди. Девор бурчагидан секин мўраладим. Қандайдир қора кўланка эшик ёнида туриб, кўлларини, бош-буйинларини у ён-бу ён тўлганга кўйи енгил машқ қиларди. Дарҳол ортага қайтиб тагин деразадан ичкарига мўраладим. Чироқ ёғдулари гира-шира ёритиб турган ҳужрада ҳеч ким йўқ эди.

“Демак бу ерда бир ўзи экан” — деб ўйладим қувониб.

Сўнг яна кулба бурчагига бориб эшик томон пусиб қарадим. Ҳалиги кўланка ҳануз машқ билан банд эди. — Қимирлама, отаман! — дея автомат миллининг бикинига тирадим.

Шу кун Миллий кутубхонада “Иштироким”, “Қизил байроқ”, “Туркистон” ва “Қизил Ўзбекистон” газеталарининг 1918-1930 йиллардаги сонларида эълон қилинган мақола ва хабарларнинг изоҳли библиографиясини ўз ичига олган “Миллий маъбудат фикри” китоби тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Рустам МУСУРМОН

ХУМОЮН

# ТУШУНАРДИК ҚУШЛАР ТИЛИНИ

## Олов

Ошиқ қалб парчаси эканинг бешак,  
Сен сўзга сиймаган изҳорсан, олов.  
Шунданми, шаклинг ҳам мисоли юрак,  
Шунданми, заминга тикибсан ялов.

Аждодлар ибрати мангудир ҳамон,  
Ҳикматдир мағзини чақолсанг агар.  
Олов тимсолида қадимги замон  
Юракка сингган оташпарастлар.

## Довон йўли

Довон йўли равои йўл,  
Бош-охирсиз — карвон йўл,  
Кечалари сомон йўл,  
Довон йўли — даврон йўл.  
Бу харсанглар хотирласа,  
Миллион йиллар кечмишин.

Сўзлай билмас... жим, жим, жим...  
Эртонсоини сақлар тошлар  
Заррасини сиймирай,  
Балки шундан ошар-тошар,  
Эркаланиб, чадиб най.  
Довон йўли нисли дарё,  
Оқар орзу армонлик.  
Тоғлар дехқон қафти гўё  
Тилар бизга омонлик.  
Довон йўли — равои йўл,  
Бош-охирсиз карвон йўл,  
Кечалари сомон йўл,  
Довон йўли омон йўл.

## Бекатда

Поезд силкнади аста, ошиқар  
Илновин йўллар измида.  
Ойнадан нигоҳлар боқинар,  
Хайрлашар титроқ жисмида.

Хўшлашади севишган кўзлар  
Яна висол ваъдасин айтиб.  
Бўлмасайди ўшал гул юзлар,  
Келмас эди поездлар қайтиб.



Уйғонаман, ёқимли саҳар,  
Ташқарида қушлар чугурлар,  
Ташунам, не ёниб сайрашар,  
Билмам фақат ёдимга тушар...  
Болалигим, илк севигим, баҳор,  
Олис қишлоқ хотиралари,  
Адирада алвон лозор —  
Навбахорнинг қалби сингари.  
Лола терган митти қизалоқ  
Нигоҳида сўйлар дилини.  
Бизлар сўзсиз кезардик, бироқ  
Ташунарлик қушлар тилини.

## “КўНГЛИМ КИТОБИ” ЖИЛОЛАРИ

Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов “Кўнглим китоби” деб номланган янги китоби учун Мустақилликнинг 19 йиллигига бағишланган “Энг улуг, энг азиз” ташкилотининг бош мукофоти билан тақдирлангани кўнглимнинг ёлида бўлса керак. Яқинда Ўзбекистон Миллий кутубхонасида атоқли шоиримизнинг шеърлар, достонлар, таржамалари ва хотиралар жамланган ушбу китобнинг тақдими бўлиб ўтди.

Бугун мамлакатимиз театрлари сахналарида Жуманиёз Жабборовнинг “Менинг оппоқ кабуларларим”, “Нексия”, “Уйқусиз кеча”, “Отабек ва Кумушбин” асарлари ижро этилмоқда. “Менинг оппоқ кабуларларим” ва “Уйқусиз кеча” асарлари “Кўнглим китоби”га киритилган. Ушбу асарларда драматург одамларнинг меҳроқибатга, ҳалолликка, иймон ва инсофга, эл-юрт ва Ватани севишга даянат этади. “Кўнглим китоби” мундарижаси ўзига хос: фаслларга бўлинган, ҳар бир фасл асарлар моҳиятини аниқлашга бағишланган номланган. Бармоқ ва аруз вазилида турли жанрлардаги шеърлар билан бошланган китоб достонлар, адабийетимиз даргалари ҳақидаги хотиралар билан аяқланади. Оқиндор қўшиқлар, дустона ҳазиллар, енгил мўйибли ва лутфлар туйфайли китоб янада қизиқари ва ўқили бўлган.

## Тақдимот

Байрон шеърлари, Фирдавсий ва Лермонтов достонлари Жуманиёз Жабборовнинг таржумонлик маҳорати боис ўзбек ўқувчиларининг маънавий мулкига айланган. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов; Миллий кутубхона директори Абдусалом Умаров, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Уткир Хошимов, Худой-



1982 йилнинг эрта баҳорида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири, атракли ёзувчи Асқад Мухтор тақлифи билан Қорақалпоғистон давлат филармониясининг “Аму тўлиқини” ансамбли ва ансамбл раҳбари, таниқли санъаткор Отажон Худойшукуров ҳақида мақола ҳамда интервьюлар тайёрлаш режалаштирилди. Режани амалга ошириш учун Нукус шаҳрига икки бор хизмат сафари уюштирилди. Икки гал ҳам ансамбл аъзолари ва хонанда билан учрашиш имкони бўлмади. Улар Татаристон ва Туркменистонда ижодий сафарда экан. Ўша пайтларда довруғи юртимизга ва қўшни республикаларга таралган бу ансамбл ҳамда унинг етакчиси бўлган ҳофизининг концертларини турли йигин, анжуманлар, тўйларда томоша қилганим. Лекин санъаткорнинг ўзи билан юзмаюз учрашиш, суҳбатлашиш насиб этмаганди.

У билан бир йилдан кейин учрашдик. Учрашувимиз одатдагидан бошқачароқ тарзда кечди. Тошкентдан Симферополга учётган самолётимиз об-хаво нуқуллайлиги туфайли Бокуга кўнди. Бу ерда об-хаво нуқуллайлиги натижасида кўним топган самолётлар кўп эди. Боку аэропорти қанчалик катта бўлмасин, йўловчилар арининг уясидек гувиларди, ўтиришга эмас, тик тургани ҳам жой етишмасди. Эрта тондан хуфтонгача шу аҳвол давом этди. Самолётлар учушининг кечиктирилиши ҳақидаги кун бўйи берилган маълумотлар йўловчиларнинг асабига теғди. Ҳар хил норозиликлар пайдо бўла бошлади. Ана шунда маълумотномалар бюросидан галати хабар ангради. Маълумот берувчи қиз озайбойжонча ғурур ва ифтихор билан Боку аэропортига улуг шоирлар Расул Ҳамзатов ва Наби Ҳазрий келганини, шеър эшитишни истаган йўловчилар марказий залга боришларини аъло қилди. Кун бўйи бекорчиликдан зериккан йўловчилардан марказий зал яна ҳам тўрланд бўлди. Шеъронликни мезбон Наби Ҳазрий бошлаб берди. Кейин уни Расул Ҳамзатов давом эттирди. Бу кутилмаган мушоирани қаердандир мяхмон кутгани чиққан Бахтиёр Ваҳобзода ҳам қўшилди. Йўловчилардан икки-учтаси ҳам шеър ўқиди. Навбатдаги шеърини ўқиб тугатган Расул Ҳамзатов аэропортда ўзбекистонлик санъаткор Отажон Худойшукуров ҳам борлигини айтиб, ундан қўшиқ куйлаб беришни илтимос қилди. Аэропортдаги бу анжуман кимларнингдир саъй-ҳаракати билан ташкил этилдики ёки кутилмаган ҳолда амалга оширилдики, буниси номаълум, лекин у йўловчиларга хуш кайфият бағишлади. Отажон Худойшукуровнинг даврада чиқиши “Алиқамбар” куйи ижросидан бошланди. Кўнгилда гоҳ ўшқинлик, гоҳ сокинлик, гоҳ гулув, гоҳ насимлик ҳисларини уйғотувчи, дини ўзига ром қилувчи бу куйни кўп давраларда эшитганман. Лекин унинг бундай гўзал, бетакор ижросига биринчи бор дуч келганим. Санъаткор ҳам, унинг атрафидаги чолғучлар ҳам гўё куйнинг бағрига синиб кетгандек эдилар. Ана шунда ҳофиз нафақат хонанда, етук созанда эканлиги, тор унинг қалбига айланганлиги, ижодий фаолияти давомида 300 дан ошмиқ қўшиқларга беҳиж куй басталамаганлиги сирлари аён бўлгандай бўлди. Санъаткор куйни қўшиққа улади. “Мужгонларинг”. Бу қўшиқнинг мазмун кимларга аён бўлди, номаълум. Бироқ санъаткорнинг овози йиғилганларнинг барчаси қалбига муҳланди. Олқишлар давом этиши натижасида санъаткорнинг яна қўлига тор олишдан бошқа илоҳи қолмади. Ўзбекча, қорақалпоқча қўшиқларга озарбойжон, туркман, татар, қозоқ, қирғиз, турк ва бошқа халқларнинг ашулалари уларни кетди. Куттишдан толиққан йўловчилар кўнгиллари-

ни ёзиб рақсга тушдилар. Ҳорғин дилларда қувонч уйғонди. Ўша кун бирор саҳнада эмас, аэропортнинг йўловчилар кутуш залида икки соат

## ҚЎШИҚ СОҒИНЧИ

давомида тик оёқда, микрофонсиз, жонли овозда ижро этилган қўшиқлар хонанда санъатининг янги қирраларини намоён қилди. Бу қирралар унинг жанрандор, баланд, барча пардаларда раван ва эҳтиросли, инсонни ўзига мафтун этадиган табиий овозида, кўп халқларнинг қўшиқларини аслидагидек мукамал билиши ҳамда ижро қилишида эди. Бошқача айтганда, ўша кун Отажон Худойшукуровда саҳнада ҳамма вақт ҳам кўриш насиб қилавермайдиган ҳақиқий хонандалик қудрати бўй кўрсатди. Йўловчилар — бошқа халқ, миллат вакиллари қалбиде унинг хонандалиги тимсолида ўзбек қўшиқчилиқ санъатининг юксаклигига ишонч туйғуси қарор топди. У билан биринчи учрашув ва суҳбатимиз ана шу ерда бўлиб ўтди. Хонанда устозлари, ансамбли, қўшиқчилик санъати муаммолари, келгуси режалари ҳақида гапириб берди. Расул Ҳамзатов билан қандай танишлиги хусусидаги саволимга: “Биз бу улуг шоирнинг тақлифи билан Доғистонга концерт гастроллари билан бориб тура-миз”, дея жавоб берди. Расул Ҳамзатовнинг хонандага эхтиромининг сабаби шу жавобда аён эди.

Отажон Худойшукуров билан иккинчи юзмаюз суҳбатимиз 1985 йилнинг қишида Тошкентда бўлиб ўтди. Санъаткор “Аму тўлиқини” ансамбли билан пойтахтга гастрол сафарига келди. Бир кун концерт берилди-ю иккинчи кун собиқ шўро раҳбарларидан бирининг вафоти муносабати билан томошалар тўхтатилди. Ўн кундан кейин ансамблга гастрол концертларини пойтахтнинг чеккароқ нуқтаси — Авиасозлар маданият саройида давом эттиришга ружаст берилди. Икки соатга мўлжалланган концерт тўрт соат давом этди. Томошабинлар талабига мувофиқ Отажон Худойшукуровнинг ўзи икки ярим соат қўшиқ ижро этди. Ениб-куйиб, қалбини, бутун борлигини қўшиққа бағишлаб, қўшиққа айланиб куйлади. Ундан ортиқ янги қўшиқларини тингловчилар эътиборига биринчи бор ҳавола этди. У қўшиқдан қўшиқча авжланди, юқорида борди. Ниҳоятда юксак ижроси билан томошабинлар ҳайрат ва олқишга сазовор бўлди.

Концертдан кейин суҳбатимиз ҳам бир-

дан қовушди. Санъаткорга рағбат бериш учун “Концертнинг яхши ўтди, қўшиқларингизни хув ўша, Боку аэропортида бўлгани каби энг юқори, авж нуқтасида қўладингиз. Хонандага ҳаммиш ҳам ана шундай куйлаш насиб этаверадими?”, дея савол бердим. У бироз тин олди. Сўнг жиддий тортиди. “Йўқ, хонандага бундай

қалбидан чиққанди. Ҳар бир одамнинг, жумладан, санъаткорнинг ҳам дарди ўзига аён. Бу дард қалбидан қачон ва қандай чиққатганини, бошқа қалбларни ҳам забт этаётганлигини яхши билади. Ана шундай ҳолатларда санъаткорнинг қўшиқлари ниҳоятда табиий, жозибали ва завқли чиқадди. Ўша, аэропортда кўнчилиқни ҳайратга солган нарса ҳам она юрт соғинчининг бир ифодаси эди. Бугунги қўшиқларим авжга келсак, бунинг сабаби сал бошқача — бунинг соғинчи дейиш мумкин. Тававуру қилинг, неча кундан бери аза туфайли қўшиқ айтмаймиз. Агар бу ҳол яна бир неча кун давом этса, билмадим, қандай аҳволга тушардик. Саҳна эса бизга бутун қалбдаги бөрини тўкиб солиш воситаси. Санъатда яна бир нарса бор. Айталик, ижодкорларнинг бир асарини ёзиши учун илоҳий қудрат — илҳом париси керак. Хунарманднинг бир нарсани ясаши учун илоҳий неъмат — ижодий қув-

ват лозим. Санъаткорда ҳам ижодий жараён ана шундай кечади. У сўз ва мусиқа бирлигини уйғунлаштириб, тингловчи, томошабинга мукамал даражада етказиши учун илоҳий қувват — илҳом париси шарт. Санъаткорнинг қалбиде илҳом париси, илоҳий қудрат бўлмаса, ижросидаги қўшиқлари бошқалар қалбини забт эта олмайди, узоқ яшолмайди. Улар шунчаки мусиқага ўралган сўзлар, қичқирив ва қийқирларга айланиб қолади. Илоҳий қувват билан яралган қўшиқлар эса санъаткор, хонанда номини абадийга муҳрлайди”.

Отажон Худойшукуров билан учрашувларимиз, суҳбатимиз кейинчалик яна давом этди. Адабиёт, санъат, созандалик, хонандалик, санъат турлари ва ҳаётнинг бошқа жабҳалари ҳақидаги мулоқотларимиз муҳтарам муҳарриримиз ният қилганидек матбуот саҳифаларида эълон қилинди. Атоқли хонанда билан охири учрашув ва суҳбатимиз 1994 йил қишнинг бошларида бўлиб ўтди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Қорақалпоғистон Республикасининг адабиёт ва санъат кунлари Тошкент шаҳрида, Тошкентнинг адабиёт ва санъат кунлари эса Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилди. Ўшанда Тўрткўл шаҳрига борган бир гуруҳ ижодкорлар, санъаткорлар билан бирга хаста ётган хонандадан кўнгли сўрагани уйига кирдик. Хасталик унинг қиёфасига, қадди-қомати соя ташлаган, санъаткорда аввалги ўқтамлик, шижоат йўқ эди. У дўстларини, санъаткор сафдошларини қўриб ўзини дадирроқ тутишга ҳаракат қилди. Докторлар касаллик зўраймасин деган мақсадда унга қўшиқ айтиш, тор чалиш, мусиқа билан шуғулланишни таққиллаб қўйган экан. Дўстларига ижодий режалари, янги яратган куйлари, қўшиқлари ҳақида сўзлаб берди. Кейин беихтиёр ёнида турган торини қўлга олди. Аста “Хоразм сеғоҳи”ни бошлади. Бир оздан кейин унинг мусиқасидаги, овозидаги хасталик ўрнини дадиллик эгаллай бошлади. Атрофдагилар уни тор чалиш, қўшиқ айтишдан қайтармоқчи, хасталигини эслатмоқчи бўлишди. У парво қилмади. Қўшиқ тобора авжига чиқаверди. Бунинг сабаби аён эди. У қалбидеги дард — қўшиқ соғинчининг енгмоқда эди. Аммо таниқли ҳофиз вужуддаги дардини олмади. У орадан кўп ўтмай, узун қиш кечаларидан бирида вафот этди... Дўстлар даврасида куйлаган қўшиғи унинг торига, хонандалик қисмати, санъатга айтган сўнгги вайдоси бўлди. Бизнинг қўшиқ соғинчи ҳақидаги суҳбатларимиз ҳам узилди.

Одамзод феъли қизик: у қаерда, қандай шароитда, қай аҳволда бўлмасин қалбиде қўшиқ соғинчи билан ашайди. Ажойиб сўз ва гаройиб сөз сехридан — илоҳий қувватдан қалби қувончга тўлади. Уни қайта-қайта эшиттириш, шу билан кўнглидаги соғинч ҳорини босгиси келади. Атоқли санъаткор Отажон Худойшукуров яратиб кетган, ижро этган қўшиқлар ҳам қалбларга малҳам бўлувчи, руҳини юксалтирувчи асарлар бўлиб қолди. Бу қўшиқларнинг халқимиз маданияти хазинасидан абадий жой олганлиги боиси ҳам шунда, деб ўйлайман.

### ҚАМОЛ МАТЁҚБОВ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ

ева кўчаси 71 “SHPILKA” хусусий корхонаси (инн-300569675) № 1 қарор-га асосан тугатилди. Давволар эълон қилинган кундан бошлаб бир икки ой мобайнида 379-24-24 телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 90-мактаб томонидан 1997 йили Тошмухамедов Ойбек Саидаббарович номига берилган О’Р №013090 рақам билан берилган шаходатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Миробод тумани Мунис кўчаси 63-уйга тегишли бўлган Турғунбоев Бахтиёр номига берилган кадастр хужжати йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Князова Татьяна Ивановна номига 18.12.1992 йил № 09-01/268 рақам билан берилган уйи ағалик хужжатини беришчи давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.

“GULSUNOY” ММҲ дорихоналарида 2004 йил 17 августда берилган №2534-04 реестр рақамли УП 3300 серия Ф№007117 сонли лицензия хужжати йолова қилинган 1.М.Юсуф кўчаси 68-уй 105-хонадонда жойлашган, 2.Қўйлик деқун бозори 8 ва 10 блокда жойлашган, 3.Бектемир тумани Чо Мен Хи кўчаси 74-уйда жойлашган шахобчаларга С.С.В. томонидан берилган лицензия йоловалари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Шайхонтоҳур туманидаги “ARFO STROY BISNES” (300915656) ММҲ устав фондини 192 742255 сўмдан 111 063000 сўмгача қамайганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани Хокимлиги томонидан 24.02.2003 йил Барченков Валерий Александрович номига реестр №0106752 рақам билан берилган патент 01-05216 рақамли гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 27.04.2010 йил №004561-03 рақам билан берилган аттестат (шахадатнома) йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 02.04.2008 йил №002488-09 рақам билан рўйхатдан ўтган “LAKOS SERVIS” (ОКПО-22351964. ИНН-300788554) хусусий корхонаси тугатилди. Давволар эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида Октябрь кўча 41/4-уйда 186-27-10 телефон орқали абул қилинади.

Мирзо Улугбек тумани Абдулла-

## МИЛЛИЙ ТАОМ ТАЙЁРЛАШ САНЪАТИ

Пойтахтимиздаги “Тошкент” меҳмонхонасида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, дўстлик жамиятлари ва дипломатик корпуслар ҳамкорлигида олтинчи марта “Тасанно” пазандалар ва қандолатчилар танлови бўлиб ўтди. Таъбирда Миср, Эрон, Покистон, Вьетнам, Корея, Туркия, Украина, Польша, Россия, Туркменистон, Ҳиндистон, Чехия каби давлатларнинг хунармандчилик буюмлари, кашталар, гиламлар, миста ва даракхта уйиб ишланган маҳсулотлар, суратлар, фотосуратлар ҳам намоиш этилди.

Ўзбекистон пазандалар ассоциацияси раиси Абдусаттор Самалов раҳбарлиги-

даги ҳайат аъзолари пазандалар маҳоратига баҳо беришди. “Баҳолаш жараёни жуда қийин кечди, — дейди раис. — Барча миллий таомларнинг ташқи кўриниши ҳам, мазаси ҳам бир-бириндан қолшмайди. Бироқ ҳар қандай танловнинг совриндорлари бўлади. Гран при Миср ошпазларига насиб этди. Биринчи ўринни Эрон, иккинчи ўринни Ҳиндистон, учинчи ўринни Покистон ошпазлари эгаллашди”.

Танлов давомида Миср, Ҳиндистон, шунингдек, рус, туркман маданият марказлари, Ўзбекистон жаз мусиқаси усталарининг концерт дастури намоиш этилди.

**Флора ФАХРУТДИНОВА**  
Суратда: танлов жараёни.



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ  
ХОМИИ: «МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

**O'zbekiston adabiyoti va san'ati**

Манзилмиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилмиз: info@uzas.uz  
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрининг актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Раҳим МАМАТАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қайтиб биродаларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Соғлигинг — бойлигинг

### Эрталабки нонуштани... эртага қолдирманг

Баъзи одамлар эрталаб иштаҳам йўқроқ, деб кўпинча нонушта қилишмайди ёки енгил-елпи тамаддиланиб, ишга, ўқишга йўл олишади. Тиббиётчи олимларнинг сўнгги йиллардаги тадқиқотлари бунга одатданиб қолиш соғлиққа зарар эканини кўрсатмоқда. Боиси, эрталаб иштаҳа бўлмаса ҳам, барбир, инсон организми оқсил ва углеводларга катта эҳтиёж сезаркан. Бу моддаларга бой таомлар билан яхши нонушта қилиш кишига куч ва қувват беради.

Кўпинча талабалар, мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари ҳам сабоқларга шошилиб, чала-ярим нонушта билан кифояланишади. Қўлпа тадқиқотчилар фикрига қўра, нонушта қилмай ёки чала нонушта қилиб дарсга келган ўқувчининг диққати тез-тез бўлиниб туради ва фанларни яхши ўзлаштириш олмайдди. Бинобарин, сабоқларни яхши ўзлаштириш, кўп жиҳатдан, эрталабки нонушта сифатига боғлиқ.

Кўп ҳолларда эрталаб ёш болаларни овқатлантириш қийин кечади. Буни ҳисобга олган санаятчилар болаларга атаб турли йогуртлар, қуруқ нонушта ҳамда турфа десертларни ишлаб чиқармоқда. Уларнинг таркибиде тез ҳазм бўладиган қанд, озиқли қўшимчалар кўп. Бироқ бу таомларнинг ҳаммасидан кўра оддий бўтқа ва сутли маҳсулотларни, мева ва асал билан бойитилган қуруқ нонуштани ўзингиз тайёрлаганингиз афзал.

Кўпчилигининг эрталабки нонуштаси нон ва сарёғдан иборат бўлади. Бу аънағона айланиб қолган. Бироқ эрталаб одам организмига ёғдан ҳам кўра кўпроқ оқсиллар зарур, — дейди гастроэнтеролог шифокор К.Спахов. — Энг яхши оқсиллар тухум, твороғ, пишлоқ, сут-қатқик маҳсулотлари ҳамда гўштдир. Уларни муайян нисбатларда бўтқа билан бирга дастурхонга қўйса бўлади. Айнан оқсиллар узоқ вақт кишини тўқ сақлайди. Натижада, тушлиқни жуда барвақт бошламайсиз, энг муҳими, иштаҳа ҳаддан ташқари қарнай бўлмагани боис таомларни ортиқча тановул қилиб қўймайсиз. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, эрталаб яхши нонушта қилмайдиган кишилар тушлиқ ва кечки овқат пайти кўп таом ёқ қўйишади. Аксинча, шошилмай нонушта қилувчилар ҳаммиша меърида овқатланадилар. Эрталабки нонушта пайти иштаҳа қанча зўр бўлса, соғлиққа шунча яхши.

**Сабзининг хосияти.** Каротинлар, асосан, бета-каротин сабзида жуда кўп бўлиб, ундаги фойдали хусусиятлар то баҳоргача яхши сақланади. Таом пиширишда яхши сабзини бўлмасдан, пўстини олмасдан, яхшилаб ювган ҳолда бутунчила ишлатган маъқул. Пишганидан сўнг бўлмаларга бўлиш ҳам мумкин. Агар сабзи шу ҳолда судда пишириб олинса, янаям яхши. Сабзидаги каротин овқат пишириш жараёнида парчаланмайди. Бета-каротинни организм фақат пиширилган сабзидагина олади. Пишган сабзидаги антиоксидантлар ҳам сабзидага қараганда уч баробар кўп бўлади. Агар сабзини тозаланиб, пўсти билан пиширсангиз ундаги саратон тўқималарини емуривчи моддалар йиғирма беш фоизга ошади. Бета-каротин организмга тушган, А дармондорисига айланади. Сабзи ва ёлларнинг нисбатини ҳам унутманг, сабзи сўт маҳсулотларидан олинган ёғ билан яхши мослашади. Шунинг учун сабзидан салат қилганда сметана аралаштирсангиз, сабзи шарбатини эса сликка ёки сут билан қўшиб инсангиз соғлиқ учун қони фойда. Фақат А дармондорисини ичаётганда сабзи емаслик керак.

**Бақлажоннинг шифоси.** Бу неъмат қондаги холестерин миқдорини қамайтиради. Сув-туз ва липидлар алмашинувни меъёрга солиб, аъзои баданингиздан сийдик кислотаси тузалари чиқиб кетишини таъминлайди. Қалиғга бой бўлгани боис, юрак мушаклари фаолиятини яхшилайди. В1, В2 ҳамда РР каби қамб дармондориларга бой. Бақлажон таркибиде мия тўқималарини шикастланишдан асровчи антиоксидантлар ҳам мавжуд. Бироқ уни овқатга пўстини тозаланиб ҳолда ишлаши керак. Яхши пишиб етилган бақлажон пўстида табиий захар — соланин алкалоиди тўпланади. Бу модданинг энг кам миқдори ҳам, айниқса, болалар ва кексалар учун жуда хавфли. Шу сабабли таом тайёрлашдан олдин пишиб ўтиб кетган бақлажонлар пўстидан яхшилаб тозаланиши керак. Сархил бақлажон билан пишиб кетган бақлажонни бир-бирдан фарқлаш осон: ёш бақлажоннинг одатда, уруғи бўлмайди, сирти таранг ва ялтироқ бўлади; пишиб ўтиб кетгани эса пўсти бужмайган, ичи бўш, кесганда тола ва йирик, қаттиқ уруғлар чиқади. Бақлажондаги соланин таомнинг таъминини ҳам бузади: оғизда аччиқ таъм қолиб, томоқ қичишади.

### Асалнинг тозасини қандай аниқласа бўлади?

Мутахассислар фикрига қўра, асалнинг энг ишончлиси энди қуюқлашаётгани, яъни кристаллаша бошлаганидир. Заруратга қараб уни уйда шиша идишга солиб, қайнаётган сув ичида суюлтириб олса бўлади. Шунинг унутманки, ҳозир ҳар хил ёт қўшимчалар — ун, крахмал, бўр, қовурилган гул чанги ва бошқа нарсаларни қўшиб ёки ариларни қандли сироп билан боқиб тоза асални сохталаштиратганлар, меъридан ортиқ даражада қиздириб асал таркибидеги фойдали моддаларни йўққа чиқараётганлар учраб турибди. Асални эллик даражадан ортиқ қиздириш асло мумкин эмас. Бироқ эскидан ўтмай ётган ва турли қўшимчалар билан миқдори кўпайтирилган асални пуллаш ниятида бўлган айрим кишилар асални меъридан ортиқ даражада қиздириб, уни янгидай қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Шунинг эсда тутингки, бундай усулда тайёрланган “асал” ҳеч қачон қуюқлашмайди ва шакарсимон бўлиб қолмайди. Ҳақиқий асал уч-тўрт ойда кристаллашади, яъни қуюқлашиб қолади. Шунинг учун асал харид қилаётганда унинг қачон қодоқланганига аҳамият беринг. Агар уч-тўрт ойдан сўнг ҳам банклардаги асал у ёқ-бу ёққа ағдарганда енгилгина ўтса ёки шакарлашиш аломатлари кўринмаса, бундай асални харид қилмаганингиз маъқул. Бундай асал ё нотўғри қиздирилган ёки унга сув ва қандли сироп қўшилган бўлади. Агар идиш тубида асалнинг кристаллашуви, қуюқлашуви аломати сезилса, юзаси суяроқ бўлса ҳам, шубҳаланмасангиз бўлади.

Катта идишлардаги асал бир неча йиллаб туриши мумкин, бироқ унутманг, орадан бир йил ўтган, унда шифобахш хусусиятлар деярли қолмаган бўлади.

Таҳририятга келган қўйғишлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят пўстидан назардан ўтказилган эмас.

Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА  
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4703. Буюртма Г — 948. Ҳажми — 5 босма табақ. Нашр қўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН